# I. ҚИШЛОҚ, ЎРМОН ВА БАЛИҚ ХЎЖАЛИГИ

2018 йилнинг январь-март ойларида ишлаб чиқарилган (кўрсатилган хизматлар) умумий ҳажми 242,3 млрд. сўмни ёки 2017 йилнинг шу даврига нисбатан 101,4 фоизни, шу жумладан, деҳқончилик ва чорвачилик, овчилик ва бу соҳаларда кўрсатилган хизматлар ҳажми 239,5 млрд. сўмни (101,4 фоиз), ўрмончилик хўжаликларида 1,9 млрд. сўмни (101,7 фоиз), балиқчилик хўжаликларида 0,9 млрд. сўмни (102,8 фоиз) ташкил қилди.

**Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажми**

*(шаҳар ва туманлар кесимида тақсимланиши)*




**Ҳосил йиғими**. 2018 йилнинг январь-март ойларида барча тоифадаги хўжаликлар томонидан 1897 тонна сабзавот ва 86 тонна мева ва резаворлар етиштирилди.

**Чорвачилик.** 2018 йилнинг 1 апрель ҳолатига ўтган йилнинг шу даврига нисбатан йирик шохли қорамоллар 101,8 фоизга (жами 677,3 минг бошни ташкил қилди), шу жумладан сигирлар 101,7 фоизга (216,2 минг бош), қўй ва эчкилар 101,6 фоизга (716,7 минг бош), отлар 100,5 фоизга (6703 бош), паррандалар 106,1 фоизга (4,1 млн. бошга) кўпайди.

**2018 йил январь-март ойларида чорвачилик ва паррандачиликни ривожланиши**

*(2017 йил январь-март ойларига нисбатан)*




Барча худудларда чорвачилик маҳсулотлари (гўшт, сут, тухум) ишлаб чиқаришнинг ўсиши асосан деҳқон ва фермер хўжаликлари ҳисобига бўлиб, гўшт ишлаб чиқариш умумий ҳажмида уларнинг улуши 98,8 фоизни, сут ишлаб чиқаришда 99,8 фоизни, тухум ишлаб чиқаришда 61,9 фоизни ташкил этди.

**2018 йилнинг 1 апрель ҳолатига чорва моллари ва паррандалар бош сони**

| | *минг бош* | *Ўсиш суръати,%* |
|---|---|---|
| **Йирик шохли корамол** | **677,3** | **101,8** |
| *шу жумладан:* | | |
| Фермер хўжаликлари | 23,6 | 100,6 |
| Деҳқон (аҳолининг шахсий ёрдамчи) хўжаликлари | 652,0 | 101,8 |
| Қишлоқ хўжалиги фаолиятини амалга оширувчи ташкилотлар | 1,7 | 104,9 |
| **улардан сигирлар** | **216,2** | **101,7** |
| *шу жумладан:* | | |
| Фермер хўжаликлари | 8,5 | 101,6 |
| Деҳқон (аҳолининг шахсий ёрдамчи) хўжаликлари | 207,0 | 101,7 |

| | *минг бош* | *Ўсиш суръати,%* |
|---|---|---|
| Қишлоқ хўжалиги фаолиятини амалга оширувчи ташкилотлар | 0,7 | 103,7 |
| **Қўй ва эчкилар** | **716,7** | **101,6** |
| *шу жумладан:* | | |
| Фермер хўжаликлари | 26,2 | 102,4 |
| Деҳқон (аҳолининг шахсий ёрдамчи) хўжаликлари | 688,1 | 101,5 |
| Қишлоқ хўжалиги фаолиятини амалга оширувчи ташкилотлар | 2,3 | 109,2 |
| **Отлар** | **6,7** | **100,5** |
| *шу жумладан:* | | |
| Фермер хўжаликлари | 0,4 | 100,7 |
| Деҳқон (аҳолининг шахсий ёрдамчи) хўжаликлари | 6,3 | 100,5 |
| Қишлоқ хўжалиги фаолиятини амалга оширувчи ташкилотлар | 0,03 | 106,3 |
| **Паррандалар** | **4051,9** | **106,1** |
| *шу жумладан:* | | |
| Фермер хўжаликлари | 1570,1 | 109,0 |
| Деҳқон (аҳолининг шахсий ёрдамчи) хўжаликлари | 1733,0 | 102,1 |
| Қишлоқ хўжалиги фаолиятини амалга оширувчи ташкилотлар | 748,8 | 109,7 |

Деҳқон (аҳолининг шахсий ёрдамчи) хўжаликларида йирик шохли қорамолларнинг улуши 96,3 фоизни, фермер хўжаликларида эса 3,5 фоизни, шу жумладан, сигирлар мос равишда 95,7 ва 3,9 фоизни, қўй ва эчкилар 96,0 ва 3,7 фоизни, отлар 93,4 ва 6,1 фоизни, паррандалар 42,8 ва 38,8 фоизни ташкил этди.

2018 йилнинг январь-март ойларида барча тоифадаги хўжаликларда тирик вазн ҳисобида 22,9 минг тонна гўшт (2017 йилнинг январь-март ойларига нисбатан 2,1 фоизга кўп), 100,8 минг тонна сут (0,3 фоизга кўп), 90,7 млн. дона тухум (4,0 фоизга кўп) ишлаб чиқарилди.

**2018 йилнинг январь-март ойларида ишлаб чиқарилган чорвачилик маҳсулотлари**

| | *миқдори* | *ўсиш суръати, %* |
|---|---|---|
| **Гўшт (тирик вазнда),** *минг тн.* | **22,9** | **102,1** |
| *шу жумладан:* | | |
| Фермер хўжаликлари | 0,6 | 106,4 |
| Деҳқон (аҳолининг шахсий ёрдамчи) хўжаликлари | 22,0 | 101,8 |
| Қишлоқ хўжалиги фаолиятини амалга оширувчи ташкилотлар | 0,3 | 123,9 |
| **Сут, *минг тн.*** | **100,8** | **100,3** |
| *шу жумладан:* | | |
| Фермер хўжаликлари | 3,2 | 97,0 |
| Деҳқон (аҳолининг шахсий ёрдамчи) хўжаликлари | 97,4 | 100,4 |
| Қишлоқ хўжалиги фаолиятини амалга оширувчи ташкилотлар | 0,2 | 123,7 |
| **Тухум, *млн. дона*** | **90,7** | **104,0** |
| *шу жумладан:* | | |
| Фермер хўжаликлари | 26,4 | 112,6 |
| Деҳқон (аҳолининг шахсий ёрдамчи) хўжаликлари | 29,8 | 103,4 |
| Қишлоқ хўжалиги фаолиятини амалга оширувчи ташкилотлар | 34,6 | 98,7 |

**Чорвачилик маҳсулотлари ишлаб чиқариш таркиби**
*(ишлаб чиқариш умумий ҳажмидаги улуши)*




**Фермер хўжаликлари**. 2018 йилнинг январь-март ойларида фермер хўжаликлари томонидан ишлаб чиқарилган қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ҳажми 16,6 млрд. сўмни ташкил қилди. Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари умумий ҳажмида фермер хўжаликларининг улуши 7,0 фоизни ташкил этди.



2018 йилнинг 1 апрель ҳолатига фермер хўжаликларида 23,6 минг бош йирик шохли қорамол, шу жумладан 8,5 минг бош сигир, 26,2 минг бош қўй ва эчкилар, 408 бош от, 1570,1 минг бош паррандалар мавжуд. 2017 йилнинг 1 апрель ҳолатига нисбатан йирик шохли қорамоллар сони 0,6 фоизга , шу жумладан сигирлар 1,6 фоизга, қўй ва эчкилар 2,4 фоизга, паррандалар сони эса 9,0 фоизга кўпайди.

**2018 йилнинг январь-март ойлари давомида фермер хўжаликлари томонидан ишлаб чиқарилган асосий турдаги қишлоқ хўжалик маҳсулотлари**

| | *январь-март* | | | | *Ўсиш суръати, фоизда* |
|---|---|---|---|---|---|
| | *2017 йил* | | *2018 йил* | | |
| | *тонна* | *ишлаб чиқариш умумий ҳажмидаги улуши, фоиз* | *тонна* | *ишлаб чиқариш умумий ҳажмидаги улуши, фоиз* | |
| Сабзавот | 389 | 20,6 | 325 | 17,1 | 83,5 |
| Мева ва резаворлар | 8 | 10,3 | 9 | 10,5 | 112,5 |
| Гўшт, *тирик вазнда* | 591 | 2,6 | 629 | 2,7 | 106,4 |
| Сут | 3311 | 3,3 | 3211 | 3,2 | 97,0 |
| Тухум, *млн. Дона* | 23,4 | 26,8 | 26,4 | 29,1 | 112,6 |
| Жун, *тонна* | 11 | 4,3 | 14 | 5,0 | 127,5 |
| Балиқ, тонна | 73 | 28,9 | 78 | 30,1 | 106,8 |

**2018 йил январь-март ойларида етиштирилган қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари миқдори**

**Сабзавотлар** *(тонна)*




**Мевалар ва резаворлар (***тонна)*

